

ISSN 2010-720X

ILIM HÁM JÁMIYET



FAN VA JAMIYAT

2021 (№4)


ISSN 2010-720X

2004-jildni mart ayidan boshlab shiga basladi

**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASI JOQARI HÁM ORTA
ARNAWLÍ BILIMLENDIRIW MINISTRILIGI**



**ÁJINIYAZ ATINDAGÍ NÓKIS MÁMLEKETLIK
PEDAGOGIKALÍQ INSTITUTI**



ILIM hám JÁMIYET

Ilmiy-metodikaliq jurnal

**Seriya: Tábiyy hám texnikaliq ilimler. Jámiyetlik hám ekonomikalq ilimler.
Filologiya ilimleri**

**Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat
pedagogika instituti**

FAN va JAMIYAT

Ilmiy-uslubiy jurnal

Seriya: Tabiiy va texnika fanlari. Ijtimoiy va iqtisodiy fanlar. Filologiya fanlari

**Нукусский государственный педагогический
институт имени Ажинияза**

НАУКА и ОБЩЕСТВО

Научно-методический журнал

**Серия: Естественно-технические науки. Социальные и экономические
науки. Филологические науки**

**Nukus State Pedagogical Institute
named after Ajiniyaz**

SCIENCE and SOCIETY

Scientific-methodical journal

**Series: Natural-technical sciences. Social and economic sciences.
Philological sciences**

**№4
2021**

**Shólkemlestiriwshi: Ájiniyaz atındaǵı Nókis
mámleketlik pedagogikalıq institutı hám jurnal redakciyası jámaáti
Shólkemlestiriw komiteti baslıǵı: OTEMURATOV B. – NMPI rektori
Bas redaktor:
ALLAMBERGENOV K. - filologiya ilimleriniń doktorı, professor**

REDKOLLEGIYA AǴZALARÍ

f.i.d., prof. **Abdinazimov Sh.** (Nókis)
t.i.d., doc. **Abdullaeva Ya.** (Nókis)
t.i.d. (DSc), doc. **Bazarbaev R.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Berdimuratova A.** (Nókis)
f.-m.i.d., doc. **Dawletmuratov B.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Raqimjan Turısbek** (NurSultan)
b.i.d., doc. **Esimbetov A.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Eskeeva M.** (Nur-Sultan)
f.i.d., prof. **Eshonqulov J.** (Tashkent)
f.i.d., doc. **Hakimova M.K.** (Tashkent)
f.-m.i.d., prof. **Ismaylov Q.** (Nókis)
f.-m.i.k., doc. **Jalelov M.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Járimbetov Q.** (Nókis)
g.i.d., prof. **Jollıbekov B.** (Nókis)
b.i.d., prof. **Jumanov M.** (Nókis)
b.i.d. (DSc), doc. **Jumamuratov M.** (Nókis)
f.-m.i.d., doc. **Kamalov A.** (Nókis)
f.-m.i.d., prof. **Kudaybergenov K.** (Nókis)
tex.i.d., prof. **Qayıpbergenov B.** (Nókis)

t.i.d., doc. **Qochanov B.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Quramboev K.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Mamedov A.** (Ashxabad)
b.i.d., prof. **Mambetullaeva S.** (Nókis)
b.i.d., prof. **Matchanov A.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Mirzaeva S.** (Andijan)
b.i.d. prof. **Omonov M.I.** (Termiz)
f.-m.i.d.(DSc), doc. **Otemuratov B.** (Nókis)
f.-m.i.k., doc. **Prenov B.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Rahmonov N.** (Tashkent)
tex.i.d., prof. **Reymov A.** (Nókis)
t.i.d., doc. **Saribaev M.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Suyunova N.** (Cherkas)
f.i.d., prof. **Sherbak S.** (S.Peterburg)
tex.i.d., doc. **Tagaev M.** (Nókis)
akademik, f.-m.i.d. **Temirbekov N.** (Alma-ata)
f.i.d., prof. **Turdimov Sh.** (Tashkent)
g.i.d., doc. **Turdimambetov I.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Twxliev B.** (Tashkent)

Juwaplı redaktorlar:

f.i.k., doc. **E.Xojaniyazov** – ózbek tili boyınsha
PhD, doc. **G.Kdirbaeva** – rus hám inglis tilleri boyınsha
Q.Biysenbaev – qaraqalpaq tili boyınsha

D.Dogarova - juwaplı xatker
Z.Xodjekeeva - korrektor
N.Allamuratova - operator

Jurnal 1992-jıldan «Qaraqalpaqstan muǵallimi» atamasında shıǵarıla baslaǵan. 2004-jılda «Ilm hám jámiyet» atamasına ózgerilip, 01-022-sanlı gúwalıq penen Qaraqalpaqstan Respublikası Baspasóz hám xabar agentligi tárepinen dizimge alınǵan.

2020-jılı 07-avgustta Ózbekstan Respublikası Prezidenti Administracyası janındaǵı xabar hám ǵalaba kommunikaciýalar agentligi tárepinen qayta dizimge alınıp, 1098-sanlı gúwalıq berilgen.

«Ilm hám jámiyet» jurnalı Ózbekstan Respublikası Ministirler kabineti janındaǵı Joqarı Attestaciya Komissiyası kollegiyasınıń qararı menen tómende kórsetilgen pánler boyınsha ilim doktori dárejesin alıw ushın maqalalar járiyalanıwı tiyis bolǵan ilimiy basılımlar dizimine kirgizilgen:

- 01.00.00 – fizika-matematika ilimleri;
- 03.00.00 – biologiya ilimleri;
- 05.00.00 – texnika ilimleri;
- 07.00.00 – tariyx ilimleri;
- 10.00.00 – filologiya ilimleri;
- 11.00.00 – geografiya ilimleri;
- 13.00.00 – pedagogika ilimleri;
- 19.00.00 – psixologiya ilimleri.

Мазкур мақолада гендер тенглик ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритилган. Халқаро даражада аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ва фаолияти ўрганилган. Гендер маданиятини шакллантиришга эътибор қаратилган.

В этой статье обсуждается гендерное равенство. На международном уровне изучаются роль и деятельность женщин в обществе. Основное внимание уделяется формированию гендерной культуры.

This article discusses gender equality. At the international level, the role and activities of women in society have been studied. The focus is on shaping a gender culture.

“Тарихий шукух маданияти” тушунчаси ва унинг ижтимоий ҳодисаларни билишдаги аҳамияти

Ширинов Анвар Қаноатович

Бухоро давлат университети

катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: тарих, онг, тафаккур, мерос, менталитет

Ключевые слова: история, сознание, мышление, наследие, менталитет

Съезд. Key words: history, consciousness, thought, heritage, mentality

Тарихий тафаккур маданияти тушунчасининг моҳиятини англаб етиш учун “тарихий маълумот”, “тарихий билим”, “тарихий онг”, “тарихий тафаккур” тушунчаларининг мазмуни нимадан иборатлигини билиб олишимиз керак.

Маълумки, ҳар қандай соҳа бўйича билим ҳосил қилиш учун маълумот(информация)лар тўплаш керак бўлади. Айтайлик, қадимшунос(археолог) маълум тарихий маданий катлам ҳақида янги билим ҳосил қилиши учун маълумотлар излайди, топилмаларни бир-бирига солиштиради, натижада ўтмиш замонлар ҳақида бирор-бир янги билим ҳосил қилинади. Бу билим тўғри ёки хато бўлиши мумкин. Нима учун янги билимнинг тўғри ёки хатолиги ҳақида гапираямиз? Бу шунинг учунки, биз олиб бормоқчи бўлган тадқиқотимизнинг мақсади чин(рост) билим ҳосил қилиш маданияти, мукамал фикрлаш нима эканлигини кўрсатиб беришдир. Тўғри билим ҳосил қилиш эса жуда кўп омилларга боғлиқ. Бу омилларни кўриб ўтиладиган ҳар бир сўз ва тушунча моҳиятини таҳлил этиш ва тафаккур қонунлари талабини кўрсатиш ёрдамида очиб беришга ҳаракат қиламиз. Қадимшунос ҳақидаги олдинги фикримизга қайтсак, у топган ашиёси узоқ йиллар давомида номаълум бўлиб келган қадимий тарихий маълумот. Буларни бир-бири билан алмаштириб юбориш мантиқан мумкин эмас. Чунки тарихий маълумотларни ҳам қадимийси, ҳам янгиси бўлади. Қадимшуносларнинг мақсади минг йиллар аввал яшаб ўтган ижтимоий ҳаёт изларини топиш асосида одамларнинг ҳаёти, турмуш маданиятига тегишли маълум хулосалар ҳосил қилишдир. Ана шу хулоса учун асос бўладиган топилмалар (сопол, танга, суяк қолдиқлари ва ҳ.к.) тарихий маълумот вазифасини ўтайди. Уларга таянган ҳолда ҳосил бўлган янги билим қадимий ҳаёт ҳақида хулоса бўлади. Бу вазифа билан шуғулланувчилар қадимшунос-тарихчилар бўладилар. Яъни, археолог олим. Буни айримлар “археологик олим” деб ҳам аташади. Агар “археологик олим” тарзида ишлатилса, қазिशма ишлари давомида “топилиб қолган олим” деган маъно ҳосил бўлади. Қазिशма ишлари давомида топилган ҳар қандай буюм археологик топилма дейилишини ҳисобга олсак, бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. Демак, бундан кўринадики, тарихий тафаккур давомида ҳар бир сўзнинг ва атаманинг аниқ маъносига эътибор бериш керак бўлади. Маъносига эътибор қаратилган тушунчалар ёрдамида маданиятли (мукамал) фикрлаш жараёнини амалга ошириб бўлмайди. Чунки, тафаккур жараёни ўз қонунларига мувофиқ ҳар бир тушунчани фақат битта маънода қўллашни талаб қилади. Кундалик-ҳаётий ёки илмий тадқиқот даражасида бўлишдан қатъий назар тафаккур охиригача бир маъноли бўлмоғи керак.

Бошланишида тушунча ва фикрларнинг бир маъносини ҳисобга олиб, кейин бошқа маъносига ўтиб кетиш албатта хато хулосага олиб келади. Худди турли кўламга эга бўлган “қадимшунос” ва “тарихчи” тушунчаларини бир-бири билан тенг маънода тушунилгани каби.

Тарихий маълумотлардан ҳам хато хулосалар қилиш мумкин. Бунга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш ўринли. Тарихий даврлар ҳақида катта тадқиқот ишлари олиб борилган, бунда хулоса чиқариш усулларида тўғри фойдаланилган. Лекин, афсуски хулосалар хато, тарихий воқеалар бузиб кўрсатилган. Чунки, бунда таянилган асосларнинг ўзи хато. Хато асослардан эса хато хулосалар ҳосил бўлади.

Хато хулосалар келиб чиқиши учун уч хил ҳолат сабаб бўлиши мумкин: биринчиси, мақсад ва манфаатнинг ғаразли эканлиги; иккинчиси, тарихий билимларнинг ўзи хато эканлиги; учинчиси, тадқиқотчининг етарли билимга ега эмаслиги. Биринчисиде, билим етарли, мантиқий тафаккур усулларида тўғри фойдаланилган, лекин, хато хулосалар келиб чиққан. Бунинг сабаби тўғри-чин маълумотлардан ғаразли мақсадларда фойдаланилганлигидир. Иккинчиси, таяниладиган асослар етарли, лекин уларнинг ўзи хато эканлигидир. Хатодан доим хато келиб чиқади. Ҳақиқат билан хатонинг хато эканлигини исботлаш мумкин, лекин, хато билимлар билан ҳақиқатни исботлаб бўлмайди. Учунчиси, мутахассиснинг ўз соҳаси бўйича етарли билимга эга бўлмаслиги. Бу асосий хатодир. Асослар етарли ва тўғри, лекин, мутахассис уларнинг етарли эканлигидан ҳам, тўғри эканлигидан ҳам тўғри фойдалана олмайди. Бунга тадқиқот соҳасининг тўғри танланганлиги ҳам ёрдам бера олмайди. Чунки, объектив ҳақиқат даражасига кўтарила олмаган, ўз билимлари билан унга қўшила олмаган субъектив тадқиқот ҳақиқатни ҳатто чала ҳолда ҳам эмас, балки, мутлақо хато акс эттириши мумкин. Бу тарихий тадқиқотда асосий хато деб айтилади. Бунинг асосийлигининг сабаби шуки, тарихни “бузувчи” ҳам “тузувчи” ҳам тарихчидир. Тиббиётдаги “даволашни билмасдан тадбир қилишга уринма!” деган ҳикмат бу ерда ҳам асосий тамойил сифатида хизмат қилади. Тарих ўз-ўзидан бузилмайди, уни асословчи далиллари етишмаган ёки асослашни билмаган тарихчилар бузади. Бунда олдинги тадқиқотчининг хато хулосалари билан кейинги тадқиқотчининг хато хулосалари қўшилиб икки баробар хато келиб чиқади. Шунинг учун тарихий ҳақиқатни ёритишда аввало, мутахассиснинг ўзи ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шу боисдан ҳам ҳамма замонларда тарихчининг етарли билимга эга бўлишига катта эътибор берилган.

Ижтимоий ҳодисаларни билишда мутахассиснинг билими етарли ва ночор даражада бўлиши мумкин. Билим кўп ёки кам бўлишидан қатъий назар мутахасси тўғри фиклаш тамойили ва қоидалари билан қуролланмаса унинг тўғри хулоса қилиши кафолатли эмас. Юксак амалий тажрибага таяниш асосида тафаккур қонунлари билан иш тутишгина тўғри хулосалар ҳосил қилади. Тафаккур қонунлари инсониятнинг узок йиллик ҳаётий тажрибаси асосида келиб чиққан. Уларнинг заминини оламдаги нарса ва ҳодисалар ва уларнинг қонуниятлари ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ҳақиқатга эришмоқчи бўлган воқеликка мувофиқлаша боради, уни қандай бўлса шундайлигича, асл ҳолатида акс эттиришга интилади. Тўғри акс эттирилган билимларгина чин ҳаётий қимматга эга бўлади ва унинг эгаси ҳам шу туфайлигина кадр топади. Инсон шу ҳақиқатни қанчалик тушуниб етса, шунчалик эркин ва бахтли бўла боради.

Шулардан келиб чиқиб, тарих соҳасида олиб бориладиган амалий текширишлар ва илмий таҳлиллар давомида тўпланган маълумотларни қиёслаш асосида ҳосил қилинган янги билим “тарихий билим”дир, дейиш мумкин. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, тарихий маълумотларнинг далил эканлиги нисбийдир. У янги ҳосил бўлган билим учун маълумот, ўзидан олдинги маълумотларга нисбаттан эса бутун бошли билимдир. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, тафаккур жараёни шундай нисбий ҳақиқатларнинг кетма-кет боғланиб, бир-бировини тўлдириб бориши тарзида амалга ошади.

“Тарихий маълумот” ва “тарихий билим” тушунчалари асосида “тарихий онг” тушунчаси келиб чиқади. Тарихий онг тушунчаси ўз кўлами жиҳатидан улардан кенг. Мазмуни жиҳатидан эса саёздр. Буни қандай тушуниш керак? Мантиқ илми шуни талаб қилади. Тушунчанинг кўлами қанча кенг бўлса, унинг мазмуни шунча тор, аксинча кўлами қанча тор бўлса мазмуни шунча кенг бўлади. Ўз навбатида “тарихий онг” “ижтимоий онг”нинг таркибий қисми ҳисобланади. “Ижтимоий онг” эса “онг” тушунчасининг мазмуний унсурларидан бири. Модомики, шундай экан, онгнинг моҳиятини очиш учун ўрганишни унинг мазмунини ташкил этувчи энг тор кўламли тушунчадан бошлаш ва аста-секин кенг кўламли объектларни ўрганишга ўтиб бориш керак бўлади. Тор кўламли объектларнинг ҳар биридан ҳосил қилинган хулоса навбатдаги, нисбатан кенгроқ кўламли тушунчаларнинг чинлигини исботлаш учун етарли асос вазифасини ўтайди. Бунда фақат исботловчи далилларнинг етарли асос бўлишига этибор қилиш керак. Айтиб ўтилган мантиқий тафаккур ҳаракатининг таркибий тузилиши ва йўналишини ифодалайди. У қанчалик тўғри ва ихчам, асосли тузилган бўлса, унинг чинлик даражаси шунчалик баланд бўлади.

Тарихий тафаккур маданиятининг объекти мураккаб таркибий тузилмалардан ташкил топган, ривожланиб боровчи ижтимоий воқеликдир. У доимо маконий ва замоний характерга эга. Шу боисдан, бундай воқеликка баҳо бериш учун унинг қайси вақтда ва қайси жойда содир бўлганлигини ҳисобга олиш зарур. Тарихий ҳақиқатларни исботлаш учун ана шу икки жиҳатига таяниб иш тутилади. Исботланадиган ва исботлаш учун асос бўладиган далиллар шу макон ва замоннинг ўзидан топилади. Тарихий воқеалар кечадиган макон ва замонлар бир-бири билан солиштирилади, уларни ташкил этувчи қисмлар ўрганиб чиқилади ва шароитга қараб умумлаштирилиши ва чегараланиши мумкин.

Бу жараён қанчалик тўғри амалга оширилиши мантиқий тафаккур маданиятининг ривожланганлик даражасини кўрсатади. Тафаккур маданиятини ривожлантиришдан мақсад осон ва қулай йўللар билан ҳақиқатни кўлга киритишдир. Тафаккур маданияти ривожланганлигини фикрлаш давомида ҳосил қилинган хулосаларнинг чинлигидагина эмас, балки, тафаккур жараёнининг қанчалик тўғри ва ихчам ташкил этилганлигида ҳам намоён бўлади. Бундай тафаккурнинг олдига қўйиладиган алоҳида талаблари бўлади: аниқ бир мақсадга қаратилганлик, бир маънолилиқ, мустақиллик, кўп томонлама ёндашиш, изчиллик, яхлитлик, мулоҳазаларнинг ўзаро боғланганлиги, ҳақиқатнинг давомийлиги, зиддиятсизлик, етарли асосланганлик қабили. Мантиқий тафаккур ана шуларнинг талабларнинг барчасига тўлиқ амал қилиши унинг маданийлик (мукамаллик) даражасини кўрсатади. Қайси бир хил тафаккурда бунга қанчалик эришиш мумкин, қайси бир тафаккурда бунинг иложи бўлмайди? Бу талаблардан бирининг бузилиши барининг бузилишига сабаб бўлади.

Мантиқий тафаккур соҳасида кўлга киритилган ютуқлар асосида мантиқ илми ва унинг турли шакллари келиб чиққан. Уларнинг ҳар бири ўзига хос қанчилик ва ютуқларга эга. Булардан мантиқ илмининг дастлабки шакли формал(расмий) мантиқни кўрсатиш мумкин. У тафаккур жараёнини маълум бир макон ва замондаги аниқ бир ҳолатига асосланган ҳолда ташкил этишни талаб қилади. Диалектик мантиқ эса тафаккур жараёнининг доимий ўзгариш, ҳаракат ҳолатида олиб қарайди. Математик мантиқ фикрлаш жараёнини символ(шартли белги)лар асосида ифодалайди.

Ўзбекистон мустақилликни кўлга киритганидан кейин ижтимоий тузумни ва жамият бошқарувини демократик асосда ташкил қилишнинг реал имкониятлари пайдо бўлди. Президентлик бошқаруви вужудга келди, парламент шаклланди. Халқ ўзининг лойиқ вакиллари парламентга тавсия қилишнинг ва жамиятни бошқаришнинг қонуний асослари конституцияда мустақамлаб қўйди. Бу мамлакатнинг демократик тарзда ривожланиши учун катта имконият эди. Лекин, халқ вакиллари сайлаш, бошқарувда халқ овозига эътибор беришда жиддий хатоларга йўл қўйилди. Аслида халқ вакиллари деб номланган шахслар тепадан белгиланар ва сайловда ҳам хувёна амаллардан фойдаланган ҳолда юқори учун керак бўладиган вакиллар сайланар эди. Бундай амал конституциявий нормаларга мантиқан зид бўлиб, у бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик усули мантиқига мос келар эди. Айнан шу услуб, буйруқбозлик қонқонига сингиб кетган ўтмиш социалистик жамиятидан мерос бўлиб қолди. Маъмурий буйруқбозлик усулида иш юритишга ўрганиб қолган раҳбарлар эски услубларни янги замонга тадбиқ қилдилар. Бундай усулни жамиятнинг турли катламлари турлича қабул қилдилар. Юқоридаги бошлиқлар томонидан қирилган бундай талаблар қуйи поғонадаги раҳбарларга ҳам ёқмаслиги мумкин эмас. Чунки, уларнинг ҳар иккаласининг ҳам мақсади бир, иш услуби ҳам бир эди. Ана шундай шароитда раҳбарларнинг иш услуби билан халқ талаби мантиқан мос келиши мумкин эмас. Бундай ҳолда таниш-билишчилик, коррупция, бош-бошдоқлик келиб чиқиши табиий ҳол. Худди шундай бўлди ҳам. Ижтимоий муаммолар пайдо бўлиб қолганда, конституцияни муаммоларга қараб тузатиб қўйиш йўли билан гўёки муаммолар ҳал қилингандек бўлди. Бундаги мантиқсизлик қонун билан амалиётнинг номувофиқлиги шундан иборатки, жамият конституция билан бошқарилмади, аксинча, конституция жамиятдаги муаммоларга мослаб қўйилди.

Бу жараён қанчалик тўғри амалга оширилиши мантикий тафаккур маданиятининг ривожланганлик даражасини кўрсатади. Тафаккур маданиятини ривожлантиришдан мақсад осон ва қулай йўллар билан ҳақиқатни қўлга киритишдир. Тафаккур маданияти ривожланганлигини фикрлаш давомида ҳосил қилинган хулосаларнинг чинлигидагина эмас, балки, тафаккур жараёнининг қанчалик тўғри ва ихчам ташкил этилганлигида ҳам намоён бўлади. Бундай тафаккурнинг олдига қўйиладиган алоҳида талаблари бўлади: аниқ бир мақсадга қаратилганлик, бир маънолилик, мустақиллик, кўп томонлама ёндашиш, изчиллик, яхлитлик, мулоҳазаларнинг ўзаро боғланганлиги, ҳақиқатнинг давомийлиги, зиддиятсизлик, етарли асосланганлик қабилар. Мантикий тафаккур ана шуларнинг талабларнинг барчасига тўлиқ амал қилиши унинг маданийлик (мукамаллик) даражасини кўрсатади. Қайси бир хил тафаккурда бунга қанчалик эришиш мумкин, қайси бир тафаккурда бунинг иложи бўлмайди? Бу талаблардан бирининг бузилиши барининг бузилишига сабаб бўлади.

Мантикий тафаккур соҳасида қўлга киритилган ютуқлар асосида мантиқ илми ва унинг турли шакллари келиб чиққан. Уларнинг ҳар бири ўзига хос камчилик ва ютуқларга эга. Булардан мантиқ илмининг дастлабки шакли формал(расмий) мантиқни кўрсатиш мумкин. У тафаккур жараёнини маълум бир макон ва замондаги аниқ бир ҳолатига асосланган ҳолда ташкил этишни талаб қилади. Диалектик мантиқ эса тафаккур жараёнининг доимий ўзгариш, ҳаракат ҳолатида олиб қарайди. у ташкил қилишнинг реал имкониятлари пайдо бўлди.

Адабиётлар

1. Akademik V. Vohidov nomidagi Respublika ixtisoslashtirilgan jarrohlik markazi <https://rscs.uz/>?
2. <https://www.hopkinsmedicine.org/health/conditions-and-diseases/liver-anatomy-and-functions>
3. Center for Liver Disease and Transplantation <https://columbiasurgery.org/liver/liver-and-its-functions>

Аннотация. Ушбу мақолада “Тарихий тафаккур маданияти” тушунчаси, унинг мазмуни ва моҳияти, ҳар қандай соҳа бўйича билим ҳосил қилишдаги, шунингдек, ижтимоий ҳодисаларни билишдаги ўрни таҳлил қилинган ҳамда тегишли хулосалар берилган.

Annotation. This article analyzes the concept of “culture of historical thought”, its content and essence, its role in the formation of knowledge in any sphere, as well as in the knowledge of social phenomena, and gives relevant conclusions.

Dıqqat, jazılıw - 2022!

Húrmetli, jurnal oqıwshıları! Eger, Siz ilim, tálim-tárbiya hám oqıtıwdıń jańa zamanagóy usılları, jańalıqları menen óz waqtında jaqınnan tanıspaqsı, ózińizdiń usı tarawdağı jetiskenliklerińiz hám oy – pikirlerińiz benen ortaqlaspaqsı bolsańız, «Ilim hám jámiyet» jurnalına 2022-jıl ushın jazılıwǵa mirát etemiz.

Jılına 4 márte shıǵatuǵın biziń jurnalımızda barlıq tarawlar boyınsha ilimiy, ilimiy-metodikalıq maqalalar járiyalanadı.

«Ilim hám jámiyet» jurnalı Ózbekstan Respublikası Ministirler kabineti janındaǵı Joqarı Attestaciya Komissiyası kollegiyasınıń qararı menen tómende kórsetilgen pánler boyınsha ilim doktorı dárejesin alıw ushın maqalalar járiyalanıwı tiyis bolǵan ilimiy basılımlar dizimine kirgizilgen:

- 01.00.00 – fizika-matematika ilimleri;
- 03.00.00 – biologiya ilimleri;
- 05.00.00 – texnika ilimleri;
- 07.00.00 – tariyx ilimleri;
- 10.00.00 – filologiya ilimleri;
- 11.00.00 – geografiya ilimleri;
- 13.00.00 – pedagogika ilimleri;
- 19.00.00 – psixologiya ilimleri.

Jazılıw bahası - 350.000 (úsh júz eliw mın) swm.

<i>Redakciya mánzili: Nókis qalası, P.Seıtov kóshesi, n/j.</i>	<i>«Ilim hám jámiyet» jurnalınıń esap beti:</i>
<i>Indeks: 230100, Telefon: +998612294086; +998939205495.</i>	<i>BANK: MB BB XKKM Toshkent shahri</i>
<i>Veb sayt: journal.ndpi.uz; el.pochta: fanvajam@mail.ru</i>	<i>Esap beti: 2340 2000 3001 0000 1010</i>
<i>JURNALDÍN BASÍP SHÍGARÍLÍWÍNA JUWAPKER:</i>	<i>MFO: 00014; INN: 200 357 981</i>
<i>Ájiniyaz atındaǵı NMPI baspaxanası.</i>	<i>Jeke esap beti: 4001 1086 0354 0170 9410 0079 001</i>

<i>Maqalalardıń mazmunına hám durılıǵına avtorlar juwapker, olardıń pikirleri redakciyanıń pikirleri bolıp esaplanbaydı</i>	<i>Jurnalǵa jil dawamında jazılǵan avtorlardıń miynetleri birinshi gezekte járiyalanadı. Maqala kólemi 5 betten kem bolmaıwı, 7 betten aspaıwı kerek.</i>
<i>Jurnal 1992-jıldan shıǵa basladı ISSN 2010-720X Indeksi: Jeke puqaralar ushın – 2101. Mákemeler ushın – 2102.</i>	<i>Basıwǵa ruxsat etildi: 22.12.2021 Buyırtpa: №0305 Format: 60x84 1/8 Kólemi: 17 b/t. Jurnal jılına 4 márte shıǵadı. Nusqası: 350 dana. Reestr № 11-3084</i>